

Барча пайгамбарларнинг саййиди — Мухаммад Мустафодирлар (соллаллоху алайхи ва саллам). Пайгамбаримизнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) буюкликлари Аллох хали инсониятнй яратмай туриб, Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) нурини яратиши, у зотни хабибим деб аташи, такволари, энг гўзая инсоний фазилатлари, бошка пайгамбарларга берилмаган мўъжизаларнинг берилиши, охирги замон пайгамбари килиб юборилишлари билан изохлади.

Пайгамбаримиз хаётлари Куръони карим таълимоти асосида яшашнинг олий намунасидир. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаёт тарзларини ўрганиш, ибрат олиш, ўз хаёт тарзини Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи ва саллам) хаёт тарзларидек бўлишига харакат килиш инсонни икки дунё саодатига етаклаши шубхасиздир.

Пайгамбаримиз Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) буюкликларини у зотга умматман дегувчиларгина эмас, балки гайридин бўлган, гарб алломалари хам тан олганлар. Инглиз ёзувчиси Бернард Шоу: «Агар Мухаммад пайгамбар тирик бўлганида, замонамиз муаммоларини бир пиёла чой устида хал килган бўлар эди», деб айтган.

Олмон шоири Гёте бундай деб ёзган: «Мен дунё тарихини ўкиб, шундай хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жами салтанату бойлик, касрлару саройлар Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) ямок яхтакларига хам арзимас экан... Виз Оврупа миллатлари маданий имконимиз юкори бўлишига карамай, Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) сўнгги погонасига қадар чика олган зинанинг биринчи пиллапоясидамиз, холос. Хеч шубха йўк, бирон кимса, у зотдан юкорирокка ўта олмайди».

Диний кадриятларнинг душмани бўлган совет тузуми бизни Пайгамбаримизни (соллаллоху алайхи ва саллам) англаш саодатидан бебахра килди. Истиклол туфайли ўзлигимизни англаш, диний кадриятларни ўрганиш, инсонларни комилликка етаклашда улардан фойдаланиш имконига эга бўлдик.

Истиклолдан сўнг Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаётларига оид илмий-бадий адабиётлар ўзбек тилида нашр этила бошланди.

Бу адабиётларни ўрганиш, улар воситасида Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаёти билан яқиндан танишиш мумкин.

Куръонда Мусо, Исо, Юсуф (алайхимуссалом) хаёти хакида алохида суралар мавжуд бўлса-да, Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаёти хакида алохида хикоя килувчи сура мавжуд эмас. Куръони карим ва бошка манбаларга таяниб, Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаёти хакида бадий асар яратиш Рабгўзийга насиб этди.

Рабгўзий XIV аср адиби бўлиб, хоразмлик ижодкордир. Носириддин Бурхонддин ўгли Рабгўзий Работ, Ўғиз деган жойларда козилик килган. Тахаллусини ана шу жойлар номидан олган.

«Киссаси Рабгўзий», «Киссаси анбиё» номлари билан машхур бўлган бу асар 1309 йили Ислом динини кабул килган мўгул хукмдори Тўкбуканинг топширигига кўра ёзилган.

Китобда дастлаб Пайгамбаримиз хакидаги кисса шеърий йўлда баён килинган. Бу шеърий дебоча Пайгамбар хакидаги киссанинг (сюжетнинг) фабуласидир. Шундан сўнг Пайгамбаримиз хаёти насрий йўлда ифода килинган. Рабгўзий дастлаб Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) шажарасини беради: «Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ибн Абди Манноф ибн Кусай ибн Килоб ибн Мура ибн Каъб ибн Дубай ибн Адий ибн Голиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Хузайма ибн Мудрика Ва умму Зубайр Сафиййа бинт Абдил Муталлиб. Ва умму Алийй ибн Аби Толиб Фотима ал-Кубро бинт Асад ибн Хошим. Ва умму Саъид Хамия бинт Суфён ибн Абди Шамс ибн Абди Манноф»

Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг «Хадис ва хаёт» китобида Пайгамбаримиз насаби куйидагича берилган: «У Зот — Мухаммад Мустафо (соллаллоху алайхи ва саллам) ибн Абдуллох ибн Абдулмуталлиб ибн Хошим ибн Абдуманоф ибн Кусай ибн Килоб ибн Мура ибн Каъб ибн Луъай ибн Голиб ибн Феҳр ибн Малик ибн ан-Назр ибн Киноно ибн Хузаймо ибн Мудрико ибн Ильяс ибн Музар ибн Низар ибн Маъдд ибн Аднан».

Рабгўзий асари бошида пайгамбаримиз шажарасини, отаси, онаси, бобоси исмларини берса-да, Пайгамбаримиз исмларига тўхталмаган. Пайгамбаримизнинг (соллаллоху алайхи ва саллам) муборак исмлари кўп бўлиб, улардан айримларини келтирамиз:

Мухаммад — мадхга, мактовга лойик инсон; Махмуд — дунё ва охиратда мактадувчи; Ахмад — Аллохга кўп хамда айтувчи; Абул Косим, Содик, Амин ва хоказо.

Киссада ёзилишича, Пайгамбаримиз отасининг исми Абдуллох бўлиб, онаси Омина эди. Абдуллох Пайгамбаримиз она корнида олти ойлигида вафот этади. Онаси эса Пайгамбаримиз 6 ёшга тўлганда дунёдан ўтади. Гўдакни бобоси Абдулмутталиб тарбия килади.

Бани Саъд кабиласидан Халима исмли аёл уни эмизиш учун олиб кетади. Халиманинг ўнг кўкрагидан сут келмас эди. Чап кўкрагини тутуди. Гўдак бу кўкракни эммайди. ўнг кўкракдан шариллаб сут кела бошлайди. Бунинг устига уларнинг кўтир туяси бўлиб, озгина сут берар, шунинг хисобига яшар эдилар. Гўдак туяга чиккач, кўтирлари йўк бўлиб, кўп сут бера бошлайди.

Халима болани тўрт йил тарбия килади. Бир куни у болалар билан кўй-кўзи боккани борганида, осмондан икки фаришта тушиб, уни ерга ётқизиб, юрагини чиқариб, олтин идишда ювишади, олтин игна билан яна тикиб кўйишади. Бу воқеадан хабар топган Халима болани Абдулмутталибга келтириб беради.

Абдуллохнинг ўглини Абдулмутталиб бобоси ардоқлаб тарбия килди. Казоси яқинлашгач, тўрт ўғилларидан бири Абу Толибга топширди. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) йигит ёшигача унинг кўлида тарбия топди. Абу Толиб Мухаммадни (соллаллоху алайхи ва саллам) Хадича исмли бой аёл хизматига беради. Хадича савдо иши билан шугулланиб, у йилига икки марта Шом вилоятига, савдо сафари уюштирар эди.

Хадичанинг эри ўлиб, тул колган эди. Унга кўп бой одамлар совчи кўйишди, аммо у турмуш килмади. Бир куни туш кўради: ой унинг кўйнига кириб, сўнг бутун ер юзига нур таратади. Хадича тушини таъбир килишни роҳибдан сўрайди. Роҳиб Таврот китобида битилган маълумотларни туш таъбири сифатида айтиб беради: «Бу ой охирги пайгамбар Мухаммад Мустафо бўлиб, у сенга уйланади, пайгамбар бўлиб, бутун олами нурга тўлдиради».

Хадича Мухаммад мустафони хузурига чорлаб, уни кузатади. Бу холатни Рабгўзий шундай тасвирлайди: «Хадича парда ичида ўлтуруб, бир Мухаммад юзига бокар, бир

Тавротга бокар эрди. Тавротда кўргани бир. Сочи коралики, кўзи, коши камуг нуроний. Андогким кайда юруса ё ўлтурса кирк кунга теги ул ердан йипор иси келур эрди».

Рабгўзий бу ерда Пайгамбаримизнинг киёфаларини тасвирламокда. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам)нинг киёфалари Ахмад Лутфийнинг «Саодат асри киссалари» китобида ҳам берилган. Жумладан, бу китобда бундай фикрларни ўқиймиз. «Хазрати Юсуфнинг ҳам, бошқа барча пайгамбарларнинг ҳам султони бўлган Расули акрамнинг чехраларига махлиё Зиёда у зотнинг кучоқларида жон таслим этса, не бахт?»

«Зайд Мухаммаднинг хузурига чикканда хаяжондан титраб кетди. Каршисида юзидан нур ёгилиб турган инсон турарди. Дунёда ҳеч ким бу инсончалик гўзал бўла олмаслигига -касам ичишга тайёр эди. Аллох барча гўзалликни ушбу одамда мужассамлаштирган экан, деган киши сира ҳам муболага килмаган бўларди».

Абдулмутталиб: «Ҳеч бир кўз бундан ҳам гўзал гўдакни кўрмаган. Ҳеч бир она бундан ҳам гўзал бола тугмаган. Касам ичаманки, ҳеч кимнинг невараси менинг неварамдан гўзал эмас».

Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф «Хадис ва хаёт» китобида Пайгамбаримиз киёфаларини хадислар мисолида очиб беради. Анасдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади:

«Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) кавмининг ичида ўрта бўйли: новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, тиник рангли: ўта оппок ҳам эмас, ўта бугдой ранг ҳам эмас (сочлари) ўта жингалак ҳам эмас, ўта юмшок ҳам эмас эдилар... У зот кабз қилинганларида соч ва соколларида йигирмата ҳам ок тола йўк эди».

Бародан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллох (соллаллоху алайхи ва саллам) ўрта бўйли, елкалари кенг, сочлари кўп бўлиб, елкаларига тушиб турадиган киши эдилар. Устиларида кизил рангли кийим бўларди».

Жобир ибн Самура (розийаллоху анху) айтадилар: «Расулуллохнинг (соллаллоху алайхи

ва саллам) огизлари кенг, кўзлари кенг ва товонлари гўшти оз эди».

Али (розийаллоху анху) қачон Набийни (соллаллоху алайхи ва саллам) васф қилса:
«...Икки кураклари орасида мухри нубувват бор эди. У пайгамбарларнинг мухридир», дер эди.

Рабгўзийга кайтамиз. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) Хадичага уйланади. Хадича Мухаммаддан (соллаллоху алайхи ва саллам) ўн беш ёш катта бўлганлар. Улар 25 йил бирга яшадилар. Хадичадан 3 ўғил, 4 киз кўрганлар. ўғиллари: Косим, Тохир, Таййиб. ўғиллари кичиклигида вафот этганлар. Кизлари: Фотима, Зайнаб, Рукия, Умму Кулсум.

Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг «Хадис ва хаёт» китобининг 19-жузъида Пайгамбаримизнинг фарзандлари хақида куйидаги маълумотлар бор: Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) фарзандлари, асосан, Хадича онамиздан бўлган.

Кизлари: Зайнаб, Рукия, Умму Кулсум, Фотима.

Ўғиллари: Косим, Абдуллох, Иброхим.

Пайгамбаримизнинг ўғиллари гўдаклик чоғлари вафот этганлар. Уламоларимиз Абдуллох, Тоййиб, Тохир бир шахс эканини айтадилар. Тоййиб, Тохир Абдуллохнинг лақаби бўлганини кўрсатганлар. Иброхим эса Расулуллохнинг чўрилари Мория Кибтия онамиздан кўрган фарзандидир.

Пайгамбаримизнинг набиралари:

1. Али, 2. Амома, 3. Абдуллох, 4. Хасан, 5. Хусайн, 6. Зайнаб, 7. Умму Кулсум.

Хадича онамиз вафотидан сўнг Пайгамбаримиз бир неча аёлларга уйланганлар.

Манбаларда Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хотинларининг исмлари куйидагича келтирилган:

1. Хадича, Савда, Ойша, Хафса, Умму Хабиба, Умму Сакала, Зайнаб, Жувайрия, Сафийа, Зайнаб, Маймуна, Мория, Райхона».

«Киссаси Рабгўзий» асари сюжетини кузатишда давом этамиз. Пайгамбаримиз 40 ёшга етганида Хиро тоғида хазрати Жаброил (алайхиссалом) кўриниб, «Икро» — “Ўки”, деб вахий келтиради. Маълумки, Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) савод чикармаган

эдилар. Ота-онасидан эрта айрилган, бобоси, кариндошлари кўлида тарбия кўрган инсонни Аллох сўнги пайгамбар килиб танлаган эди. Ха, Аллох нимани хохласа — бўлади!

Куръони карим Раъд сураси 39-оятда бундай дейилган: «Аллох нимани хохласа, махв килур, нимани хохласа, собит килур». Шўро сурасининг 32-оятда эса бундай дейилган: «У ўзи хохлаган кишиларнинг ризкини кенг килур ва танг килур».

Шу воқеадан бошлаб, Жаброил Мухаммад Мустафога Куръони карим оятларини етказа бошлайди, пайгамбар бўлганини уқтиради, одамларни Ислому динига чиқариш унинг вазифаси эканини айтади. Шу даврдан бошлаб Пайгамбаримиз одамларни Ислому динига тарғиб этишни бошлайди. Аёллардан хотини Хадича, эркаклардан Абу Бакр биринчи бўлиб, Исломуни қабул қилади.

Аллох таоло бошқа пайгамбарларга берилмаган кўплаб мўъжиза, фазилатларни Мухаммадга (соллаллоху алайхи ва саллам) берган. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) бутун инсу жин оламининг пайгамбаридир. Ёки киёмат куни умматларига шафоат қилиш ҳуқуқи фақат Мухаммадга (соллаллоху алайхи ва саллам) берилган.

Мухаммадга (соллаллоху алайхи ва саллам) қарши турган кишилар ичида энг катталари Умар ва Абу Жахл эдилар. Абу Жахл Умарга Мухаммадни (соллаллоху алайхи ва саллам) ўлдириш учун 100 та туя ваъда қилади. Аммо Умар имон келтириб, Ислому динини қабул қилади. Асарда Усмон, Абу Бакр, Абу Толиб ҳақида маълумотлар берилган. Шундан сўнг Пайгамбаримизнинг Макка мушрикларидан кўрган зулм-захматлари келтирилади.

Абу Жахл бошлик мушриклар Мухаммаддан (соллаллоху алайхи ва саллам) мўъжиза кўрсатишни талаб қилдилар. Ойни ёриб беришини сўрайдилар. Пайгамбаримиз ишорати билан ой ёрилади. Шунда ҳам улар имон келтирмасдан, Мухаммадни (соллаллоху алайхи ва саллам) сеҳргар деб атайдилар.

Шундан сўнг, Меърож кечаси воқеалари берилади. Бу кечада Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) кўксини фаришталар ёриб, юрагини имон ва хикмат тўла олтин идишда ювиб, жойига кўядилар. Бурокка миндириб, Маккадан Байтул Макдисга олиб чиқадилар. Ҳазрати Жаброил билан биринчи осмонда Одамни (алайхиссалом),

иккинчи осмонда Исо ва Яхёни (алайхимуссалом), учинчи осмонда Юсуфни (алайхиссалом), тўртинчи осмонда Идрисни (алайхиссалом), бешинчи осмонда Хорунни (алайхиссалом), олтинчи осмонда Мусони (алайхиссалом), еттинчи осмонда Иброхимни (алайхиссалом) кўрадилар.

Аллох Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) умматлари учун бир кунда 50 марта намоз ўқишни буюрди. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) рози бўлиб тушаётганда, Мусо (алайхиссалом): «Умматларинг бир кунда 50 марта намоз ўқишни уддалай олмайдилар, кайтиб чикиб, уни камайтиргин», деб маслахат беради. Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) кайта-кайта сўровидан сўнг умматларга бир кунда беш вақт намоз фарз килинган. Яна уктирилдики, икки ракат намоздан сўнг «Аттахийёт...»ни ўқиш савоби етти кават осмондаги барча фаришталарнинг бир кунги ибодати савобига тенг бўлур.

Мухаммадни (соллаллоху алайхи ва саллам) жаннатга олиб кирдилар. Жаннат ажойиботларини кўради. Жаннатда Идрис (алайхиссалом) билан учрашдилар. Идрис (алайхиссалом): «Эй Мухаммад, кани энди мен сенинг умматинг бўлсам эди», деб орзу килади.

Азиз китобхон! Мухаммадга (соллаллоху алайхи ва саллам) уммат бўлиш нақадар буюк иш эканини тушуниб етдингизми?!

Аллохга холис тоат-ибодат этган, намозни адо қилганларга жаннат эшиклари очик бўлишини англаш нақадар хузурбахш туйгу!

Мухаммадга (соллаллоху алайхи ва саллам) дўзахни, у ердаги азобларни кўрсатадилар. Пайгамбар ерга тушса, ўрни хали совумаган экан.

Абу Толиб вафотидан сўнг Абу Жаҳл бошлик мушриклар Мухаммадга (соллаллоху алайхи ва саллам) зулмни янада кучайтирдилар. Пайгамбаримиз (алайхиссалом) Аллох амри билан Абу Бакр йўлдошлигида Маккадан Мадинага кўчадилар.

Хижратнинг учинчи йили Бадр жанги, тўртинчи йили Ухуд жанги, бешинчи йили яна Бадр жанги бўлиб ўтди.

Киссада Макка забт этилгач, Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) бошка жойларни кандай килиб ислом динига даъват килгани хакидаги маълумотлар берилади.

Кисса сўнгида Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) вафотлари берилган. Бу ўриндаги Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) куйидаги сўзлари хар бир мусулмоннинг калбини ларзага солиши шубхасиздир: «Эй Азроил, бу кундин киёматга теги манинг умматларимга жон бермак каттиклики бор эрса, ул каттиглиютарни манга юклагил. Ул каттигликлар манга бўлсун, умматларимка бўлмасин».

Рабгўзийнинг ушбу асари XIV асрга хос тилда ёзилгани учун бугунги кун китобхонига тушунишда анча кийинчиликлар тугдиради. Шундай бўлса-да, бу асар Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаёт йўлларини одамларга тушунтиришда мухим манба бўлиб хизмат килди.

Рабгўзий асари Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) тугилишидан бошланса, Ахмад Лутфий асари Фил вокеаси тасвири билан бошланади. Абраха исмли хукмдор одамларнинг Маккага талпинаётганини кўриб, Маккани бузиб юборишга ахд килади. У Яман хукмдори бўлиб, 60 минг лашкар билан келган эди. Лашкар сафида «Махмуд» лакабли улкан фил хам бор эди.

Маккага якинлашгач, фил Макка томон бир кадам хам юрмайди. Шу пайт осмонда Абобил кушлари пайдо бўлиб, улар Абраха аскарларига тош отиб, уларни кириб юборади.

Шу вокеадан сўнг Мухаммаднинг (соллаллоху алайхи ва саллам) тугилиш вокеалари тасвири берилади. Рабгўзий вокеаларни холис тасвирласа, Ахмад, Лутфий Пайгамбаримизга оташин мухаббатини яширмайди. Киёс килинг: Рабгўзий асарида Мухаммад, Расул, Мустафо, Набий номларинигина кўлланса, Ахмад Лутфий Пайгамбаримиз номларини олтмишдан ортик сифатловчи билан келтиради.

Ахмад Лутфий кўллаган сифатловчиларни келтираман: Расулulloх, Аллохнинг сеvimлиси, Набийи Акрам, Фахрул Мурсалин, Сарвари анбиё, Афзали анбиё, Расули акрам, Сарвари олам, Хазрати пайгамбар, Набиюллох, Фахри коинот, Набийи мухтарам, Жаноби пайгамбар, Расули Кибриё, Набийи акмал, Зоти Шариф, Саййидул анбиё, Расули мухтарам, Пайгамбарлар султони, Хабиби акмал, Акмали анбиё, Сарвари коинот, Султони зишон, Набийлар султони, Жанобимиз, Хидоят имоми, Буюк пайгамбар, Хазрати Мухаммад, Султонул анбиё, Пайгамбари замон, Хабиби Худо, Набийлар сарвари, Пайгамбари зишон, Пайгамбар хазратлари, Саййидул мурсалин, Пайгамбарлар имоми, Имомул анбиё, Саййидул башар, Фахри олам, Хабиби акрам, Расули зишон, Расули муштабо, Аллохнинг расули, Коинот саййиди, Имомул анбиё, Элчиларнинг энг фахрлиси, Саййидул анбиё вал мурсалин, Расули мухтарам, Махбуби Раббул оламин, Хотамул анбиё, Рахмат пайгамбари, Расулларнинг охиргиси, Пайгамбарлар азизи, Пайгамбарлар саййиди, Муттакийлар имоми, Хазрати Расулulloх.

Рабғўзий асарида Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) факат пайгамбар сифатида берилса, Ахмад Лутфий киссаларида эса хам пайгамбар, хам оддий инсон сифатида берилади. Хазрати пайгамбаримизнинг ибратли инсоний фазилатлари хотинларига, фарзандларига, ёр-биродарларига, дусту душманларига бўлган муносабатларида, уларга айтган гапларида ёркин кўринади.

Улуг инсонлар, хусусан, Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) характериини тасвирлаш, унинг индивидуал хусусиятларини бера олиш, нуткидаги индивидуал томонларни акс эттириш ёзувчидан катта масъулият, махорат талаб этади. Дадил айтиш мумкинки, Ахмад Лутфий бу ишнинг уддасидан чиккан.

Улуг Пайгамбаримизнинг хар бир хатти-харакатида, сўзи ва гапида эзгу гоюлар ёркин кўриниб туради. Биргина мисол. Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хаётиниинг сўнги дамларида атрофидаги кишиларга карата бундай дейди: «Сизлар Парвардигорингизга ковшасизлар. У эса сизлардан килган ишларингиздан Хисоб олади. Эхтиёт бўлинглар, мендан кейин бир-бирларингизни ўлдирадиган бўлманглар ва бу йўлларингдан озмангларки, адашган кофирларга ўхшаб коласизлар. Диккат килинглар, бу ерда хозир бўлганлар, хозир бўлмаганларга сўзларимни етказинг. Умид киламан, бу сўзлар етказилганда, бир кисми мендан эшитганлардан кўра яхшироканглаб етишар... Сизларга бурни тиртик, кора танли бир кулда бўлсин, агар амир килиб тайинланса, Аллохнинг китоби билан сизларни бошкарса, унга кулок солинглар, бўйсунинглар. Мана бу тўрт мухим буйрукка риоя килинглар: Аллохга хеч бир нарсани шерик тутманглар; Аллох хаксиз ўлдиришни харом килган жонни ўлдирманглар; зино килманглар; ўгирлик килманглар».

Ахмад Лутфий киссаларида бундай ибратли томонлар кўп, хаёт хакикати ва бадий тўқима муносабатида меъёр бузилмаган.

Истиклол берган имкониятлардан фойдаланиб, ўзбек тилида Мухаммад (соллаллоху алайхи ва саллам) хақидаги илмий манбаларга таянган холда жаноби Пайгамбаримизнинг феъл-атворларини ҳаққоний ифодаловчи бадий асарлар яратиш, Пайгамбаримизнинг ибратли хаётлари асосида инсонларда инсоф, адолат, ватанпарварлик каби хислатларни тарбиялаш ўзбек адiblари олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Баҳром Жалилов